

2024/03
№3(24)

ISSN 2791-3651

Молодой специалист



Выпуск №3(24) 2024/03



TOGETHER WE REACH THE GOAL

zenodo



aerjan84@mail.ru



<http://t.me/mspeskz>



+7 705 724 97 69



Проспект Шәкәрім
Құдайбердіұлы, д. 25/3
г. Нур-Султан, РК

ЭЛЕКТРОННЫЙ НАУЧНЫЙ ЖУРНАЛ

«Молодой специалист»

Выпуск №3(24) (март, 2024)

Свидетельство о постановке на
учет периодического печатного
издания, информационного
агентства и сетевого издания
Эл № KZ26VPY00048061
от 15 апреля 2022 г.

Главная цель журнала заключается в публикации оригинальных статей, преимущественно научного и научно-технического направления, предоставлении научной общественности, научно-производственным предприятиям, представителям бизнес-структур, а также студентам, магистрантам и докторантам вузов возможность знакомиться с результатами научных исследований и прикладных разработок по ключевым проблемам в области передовых технологий.

Задачи журнала состоят:

- в предоставлении ученым возможности публикации результатов своих исследований по научным и научно-техническим направлениям;
- достижении международного уровня научных публикаций журнала;
- привлечении внимания научной и деловой общественности к наиболее актуальным и перспективным направлениям научных исследований по тематике журнала;
- привлечении в журнал авторитетных отечественных и зарубежных авторов, являющихся специалистами высокого уровня.

Журнал размещается и индексируется на порталах eLIBRARY.RU и Google Scholar.



МАЖБУРИЙ ЖАМОАТ ИШЛАРИ: МИЛЛИЙ ҚОНУНЧИЛИК ВА ХАЛҚАРО НОРМАЛАР ТАҲЛИЛИ

Кучкаров Турғун Рахимбаевич

Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси бошлиғи ўринбосари

Аннотация: Мақолада муаллиф мажбурий жамоат ишлари жазосини ҳуқуқий таҳлил қилиб, унинг ғоявий негизини ташкил этувчи конституцион нормаларни, қонунларни муҳокама қилади. Муҳокама жараёнида мажбурий жамоат ишлари жазосининг халқаро нормаларда белгиланган қоидаларини миллий қонунчиликка жорий этиш масалаларини кўриб чиққан. Шу билан бирга, мажбурий жамоат ишлари жазосини ижро этиш механизми ИИО пробация хизматининг такомиллаштирилиши билан боғлиқ қарашларини баён қилинган.

Ключевые слова: мажбурий жамоат ишлари тушунчаси, халқаро конвенциялар, жиноят, жиноят қонунчилиги, жиноят учун жазо, озодликдан маҳрум этиш, хорижий давлатлар жазо тизими, Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси.

ОБЯЗАТЕЛЬНЫЕ ОБЩЕСТВЕННЫЕ РАБОТЫ: АНАЛИЗ НАЦИОНАЛЬНОГО ЗАКОНОДАТЕЛЬСТВА И МЕЖДУНАРОДНЫХ НОРМ

Кучкаров Турғун Рахимбаевич

Заместитель начальника Академии МВД Республики Узбекистан

Аннотация: В статье автор проводит правовой анализ наказания в виде обязательных общественных работ и рассматривает конституционные нормы и законы, составляющие его идеологическую основу. В ходе дискуссии рассмотрены вопросы внесения в национальное законодательство правил обязательных общественных работ, установленных международными нормами. При этом были высказаны мнения, связанные с совершенствованием службы пробации ИИО, которая является механизмом исполнения наказания в виде обязательных общественных работ.

Ключевые слова: понятие обязательных общественных работ, международные конвенции, преступление, уголовное право, наказание за преступления, лишение свободы, уголовно-исполнительная система зарубежных стран, Всеобщая декларация прав человека.

COMPULSORY COMMUNITY SERVICE: AN ANALYSIS OF NATIONAL LEGISLATION AND INTERNATIONAL NORMS

Kuchkarov Turgun Rakhimbaevich

Deputy head of the Ministry of Internal Affairs Academy of the Republic of Uzbekistan

Abstract: In the article, the author conducts a legal analysis of punishment in the form of compulsory community service and examines the constitutional norms and



laws that form its ideological basis. During the discussion, the issues of introducing the rules of compulsory public works established by international standards into national legislation were considered. At the same time, opinions were expressed related to the improvement of the probation service, which is a mechanism for the execution of punishment in the form of compulsory community service.

Key words: the concept of compulsory community service, international conventions, crime, criminal law, punishment for crime, deprivation of liberty, the penal system of foreign countries, the Universal Declaration of Human Rights.

Ҳозирги кунда мажбурий жамоат ишлари, ахлоқ тузатиш ишлари каби маҳкумни меҳнатга мажбуран жалб этиш билан боғлиқ жазолар миллий қонунчилигимизда ва хорижий давлатлар жазо тизимида кенг қўлланиладиган жазолар ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси 44-моддасига асосан, “Суд ҳукми билан тайинланган жазони ўташ тартибидан ёки қонунда кўрсатилган бошқа ҳоллардан ташқари мажбурий меҳнат тақиқланади”. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг муқаддимасида эса, халқаро ҳуқуқнинг умум эътироф этилган қоидалари устунлигини тан олиниши белгиланган. Шунингдек, Жиноят кодексининг 1-моддасида, “Ўзбекистон Республикасининг жиноят тўғрисидаги қонун ҳужжатлари Конституция ва халқаро ҳуқуқнинг умум эътироф этган нормаларига асосланиши”, Жиноят- ижроия кодексининг 4-моддаси 3-қисмида, агар Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномасида жиноят-ижроия қонун ҳужжатларида назарда тутилганидан бошқача қоидалар белгиланган бўлса, халқаро шартноманинг қоидалари қўлланилиши белгиланган.

Шуниси аҳамиятлики, халқаро ҳуқуқ нормаларида нафақат мажбурий меҳнат тақиқланишига оид умумий қоидалар, балки, уларнинг моҳияти, шакллари ва бошқа талаблари ҳам баён этилган.

1926 йил 25 сентябрдаги Куллик тўғрисидаги Конвенциянинг 1-моддаси 1-қисмида «Куллик – бу инсоннинг шундай ҳолати ёки аҳволики, унинг устидан эғалик ҳуқуқининг белгилари ёки улардан баъзилари амалга оширилади», деб баҳоланган. Мазкур нормада инсоннинг устидан эғалик ҳуқуқи тўғрисида мушоҳада юритилади ва миллий қонунчилигимизга кўра мажбурий жамоат ишларига жалб этилган шахс, гарчи маълум бир ишларни бажаришга жалб этилса-да, унинг устидан эғалик ҳуқуқи ҳеч кимга берилмайди.

Халқаро меҳнат ташкилотининг 1930 йил 28 июндаги «Зўрлаб ишлатиш ёки мажбурий меҳнат тўғрисидаги 29-конвенция» (Мазкур Конвенция Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 1997 йил 30 августдаги 492-I-сонли «Зўрлаб ишлатиш ёки мажбурий меҳнат тўғрисидаги Конвенцияни ратификация қилиш ҳақида»ги Қарори билан) ратификация қилинган. Кейинги ўринларда – ХМТнинг 29-Конвенциясининг 2-моддаси 1-қисмида, “Зўрлаб ишлатиш ёки мажбурий меҳнат” атамаси тўғрисида, «Қандайдир шахсдан бу шахс ихтиёрий равишда ўз хизматларини таклиф этмаган қандайдир жазолаш хавфи остида талаб қилинадиган ҳар қандай иш ёки хизматни англатиши белгиланган. Шунингдек, Халқаро Меҳнат Ташкилоти 105-Конвенциясининг 1-моддасида (Мазкур Конвенция Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 1997 йил 30 августдаги 498-I-сонли «Мажбурий меҳнатни тугатиш тўғрисидаги Конвенцияни ратификация қилиш ҳақида»ги қарори билан ратификация қилинган) ушбу Конвенцияни ратификация қилган Халқаро меҳнат ташкилотининг ҳар бир аъзоси зўрлаб ишлатиш ёки мажбурий меҳнатни тугатиш ва унинг қайсидир шаклига мурожаат қилмасликка мажбурият олиши белгиланган. Ушбу мажбуриятлар қуйидагича белгиланган:



а) сиёсий таъсир, тарбия воситаси сифатида ёки белгиланган сиёсий, ижтимоий, иқтисодий тизимга зид сиёсий қарашлар ҳамда мафкуравий эътиқодларнинг мавжудлиги ёхуд ифодаланиши учун жазолаш чоралари сифатида;

б) иқтисодий тараққиёт эҳтиёжлари учун ишчи кучини сафарбар этиш ва ундан фойдаланиш усули сифатида;

с) меҳнат интизомини сақлаш чораси сифатида;

д) иш ташлашларда қатнашиш учун жазолаш чораси сифатида;

е) ирқий, ижтимоий ва миллий мансублик ёки диний эътиқод белгилари бўйича камситиш чоралари сифатида».

Шу билан бирга зўрлаб ишлатиш ёки мажбурий меҳнатни тақиқлашга оид халқаро ҳуқуқ нормаларида, маҳкумларнинг бу каби ишларга жалб қилиниши бўйича айрим истиснолар ҳам белгиланган.

Хусусан, Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясининг 23-моддаси

1-қисмида ҳар бир инсон меҳнат қилиш, ишни эркин танлаш, адолат ва қулай иш шароитига эга бўлиш ва ишсизликдан ҳимоя қилиниши ҳуқуқига эга эканлиги белгиланган бўлса, 29-моддасининг 2-қисмида, “Ҳар бир инсон ўз ҳуқуқи ва эркинликларидан фойдаланишда ўзгаларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини демократик жамиятда етарли даражада бўлишини ҳамда ҳурмат қилинишини таъминлаш, ахлоқ, жамоат тартиби, умум фаровонлигининг одилона талабларини қондириш мақсадидагина қонунда белгиланган чекланишларга риоя этиши кераклиги” қайд этилган. Иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пактнинг (1966 йил 19 декабрь) 4-моддасида, Пактга иштирокчи давлатлар мазкур Пактга кўра бирор бир давлат ҳуқуқлардан фойдаланиш борасида шундай чеклашларни белгилаши мумкинки, бу қонунда акс этиб, ўша чеклашлар қайд этилган ҳуқуқлар табиатига уйғун бўлишини ҳамда у демократик жамиятда умумий фаровонликка кўмаклашиш мақсадидагина бўлиши лозимлигини эътироф этиши белгиланган. 1966 йил 19 декабрдаги Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пактнинг 8-моддаси 2-қисми «с» бандига кўра суднинг қонуний фармойишига асосан ҳибсда бўлган шахс ёки бундай ҳибсдан шартли озод этилган шахс бажариши керак бўлган меҳнат ёки хизмат ҳам зўрлаб ишлатиш ёки мажбурий меҳнат сифатида тан олинмаслиги белгиланган. Шунга ўхшаш бўлган қоидалар, Мустақил давлатлар Ҳамдўстлигининг инсон ҳуқуқлари ва асосий эркинликлари тўғрисидаги (1995 йил 26 май, Минск) Конвенциясининг 4-моддаси 3-қисмида ҳам ўз ифодасини топган.

Мазкур қоидалар инсон ҳуқуқларининг айрим талаблар асосида чекланиши, уларнинг асосий ҳуқуқларининг бузилиши сифатида эмас, балки ижтимоий адолатни тиклаш воситаси сифатида қарашни истисно этмайди. Аммо, Халқаро Меҳнат ташкилотининг Конвенцияларида мажбурий меҳнатнинг юридик табиати ёритилганда, гарчи у суднинг ҳукмига кўра тайинланган бўлса-да, айрим қоидаларга амал қилиниши лозимлигини белгилайди.

Жумладан, Халқаро Меҳнат ташкилотининг 29-Конвенциясининг

2-модда 2-қисмида айрим ҳолатлар зўрлаб ишлатиш ёки мажбурий меҳнатни ўз ичига олмаслиги белгиланган. Хусусан, унинг «с» бандига кўра, «зўрлаб ишлатиш ёки мажбурий меҳнат» атамаси қандайдир шахсдан суд органининг қарори билан чиқарилган ҳукм оқибатида талаб қилинадиган ҳар қандай иш ёки хизмат, агарда бу иш ёки хизмат давлат ҳокимиятларининг кузатуви ва назорати остида бажариш ва кўрсатилган шахсни хусусий шахслар, компаниялар ёки жамиятлар ихтиёрига инъом қилмаслик ёки бермаслик шarti билан амалга оширилса, ушбу Конвенция мақсадлари билан қамраб олинмаслиги назарда тутилган.



Яъни, мазкур нормада нафақат суднинг қонуний кучга кирган ҳукмига биноан бажарилиши лозим бўлган ишлар мажбурий меҳнат ҳисобланмаслиги, унда давлат органининг бу қарорни ижрочи сифатида белгилаши ҳамда шахсни хусусий секторларга бермаслиги каби қоидалар ҳам назарда тутилган. Ушбу қоида талаблари миллий қонунчилигимизда амал қилиниши таҳлил этилганда унинг айрим жиҳатлари мунозарали эканлиги кузатилади.

Жиноят кодексининг 451-модда 2-қисмида, “Маҳкумлар мажбурий жамоат ишларини ўташи мумкин бўлган жойлар (объектлар) ва мажбурий жамоат ишларининг тури мазкур жазонинг ижросини назорат қилувчи органлар томонидан белгиланиши”, Жиноят-ижроия кодексининг

251-моддаси 1-қисмига кўра, “Мажбурий жамоат ишлари тариқасидаги жазони ижро этиш маҳкумнинг яшаш жойидаги ички ишлар органларининг жазоларни ижро этиш инспекцияси томонидан амалга оширилиши, маҳкум мажбурий жамоат ишларини ўташи мумкин бўлган жойлар (объектлар) ва мажбурий жамоат ишларининг турлари жазоларни ижро этиш инспекциялари томонидан маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органларининг таклифига кўра белгиланиши кўрсатилган. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 8 майдаги 346-сон қарори билан тасдиқланган «Мажбурий жамоат ишлари тариқасидаги жазонинг ижросини ташкил этиш тартиби ҳақидаги низом»нинг 4-банди 2-қисмига кўра, маҳкумнинг мажбурий жамоат ишлари тариқасидаги жазони ўташи мумкин бўлган жойлар (объектлар) ва мажбурий жамоат ишларининг аниқ турлари маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органларининг таклифига кўра инспекция томонидан маҳкум яшайдиган ҳудудда белгиланиши кўрсатилган.

Мазкур қоиданинг Конвенция қоидаларига қанчалик мувофиқлигини, хусусан мажбурий жамоат ишларининг маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органларининг таклифига кўра белгиланиши масаласини атрофлича таҳлил этишни талаб этади. Хусусан, мажбурий жамоат ишлари жазосига ҳукм этилган шахслар томонидан бажарилиши мумкин бўлган ишларнинг турлари ва ишларнинг мазмуни Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 8 майдаги 346-сон қарорининг 2-илоvasи билан тасдиқланган. Аммо, Вазирлар Маҳкамасининг ушбу қарорида бу ишларни қаерда бажаришлари, яъни давлат органлари ёки хусусий корхона, муассаса ёки ташкилотларда ишлаши тўғрисида аниқ қоидалар белгиланмаган.

Шунингдек, ҳозирги кунда мазкур масала билан боғлиқ пробация хизматининг асосий муаммоси шундаки, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари пробация бўлинмаларига маҳкумлар ишлаши мумкин бўлган мавжуд иш ўринлари тўғрисидаги маълумотларни тақдим этмай келаётганлиги сабабли, пробация бўлинмаси ходимлари томонидан иш жойларини белгилашда қийинчиликларга учрамоқда.

Тадиқот жараёнида ички ишлар органи Пробация ходимлари ўртасида «Маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари пробация бўлинмаларига маҳкумлар ишлаши мумкин бўлган мавжуд иш ўринлари тўғрисидаги маълумотларни ўз вақтида тақдим этиб борадими?» деб ўтказилган сўровномада, респондентларнинг 94 фоизи “Йўқ, деярли тақдим этмайди”,

6 фоизи эса “Ҳа, сўралганидан сўнг тақдим этади” дея жавоб берганлар. Бу эса, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари мавжуд иш ўринлари тўғрисида маълумотларни пробация хизмати тақдим этиб бориш масаласини мажбурий сифатида белгилаш зарурати мавжуд эканлигини кўрсатмоқда.

Маҳкумнинг мажбурий жамоат ишларини ўташи мумкин бўлган жойлар хусусида ҳуқуқшунос олимлар томонидан турлича фикрлар билдирилганлигини кузатиш мумкин. Хусусан, Н.Г.Осадчая мажбурий жамоат ишлари ўталиши мумкин бўлган аниқ объектларни



аниқлаш ҳокимият органларига эмас, балки бандлик марказларига юклаш лозимлигини таъкидлайди. Ю.Ю.Лопотенко эса, агар суд айбдорга ҳукм чиқариши пайтида унинг шахсига ва ижтимоий хавфлилик даражасига оид маълумотларга таяниб, мажбурий ишлар жазоси ўталадиган аниқ турини белгилаб, унинг тайинлаши ва ижро этиш учун тегишли ташкилотларга жўнатилиши мантиқан бўлишини таъкидлайди. А.П.Коваленко эса, жиноят-ижроия қонунчилигидаги мажбурий жамоат ишлари жазосига оид нормани қуйидаги таҳрирда баён этиш таклифини илгари суради: «Мажбурий ишлар тариқасидаги жазо, жазони ижро этиш инспекцияси ва маҳкум мажбурий ишларни ўтаётган ташкилот маъмурияти томонидан ижро этилади». Бу муаллифлар томонидан мажбурий жамоат ишлари тариқасидаги жазони ижро этилиши механизмини енгиллаштириш нуқтаи назаридан таклифлар илгари сурилган бўлиб, мазкур ёндошувни ХМТнинг қоидаларига мувофиқ келади деб бўлмайди.

Назаримизда, Ўзбекистон Республикаси Жиноят-ижроия кодексининг 251-моддаси 2-қисмини, «Ижтимоий фойдали ишларга ҳукм қилинган шахс жазони ўташга суднинг ҳукми қонуний кучга кирганлиги ҳақидаги хабарномаси Пробация бўлими (бўлинмаси)га келиб тушган кундан эътиборан ўн кундан кечиктирмай жалб қилинади. Ижтимоий фойдали ишлар тариқасидаги жазо ўталадиган жойлар сифатида фақатгина давлат органлари, давлат улуши бўлган корхона, муассаса ва ташкилотларда жазони ижро этувчи орган кузатуви ва назорати остида ўталади» деган қоидалар билан тўлдириш зарурати мавжуд.

Шу билан бир қаторда, мазкур жазони ижро этишда жамоатчилик имкониятларидан кенгрок фойдаланиш масаласи ҳам муҳимдир. Бу борада халқаро ҳуқуқий ҳужжатларда, хусусан Қамокда сақлаш билан боғлиқ бўлмаган чораларга нисбатан БМТнинг минимал стандарт қоидалари (Токио қоидалари)да озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган жазоларни қўллашда жамоатчилик ва хусусий сектор имкониятларидан кенгрок фойдаланиш бўйича аниқ қоидалар берилган. Токио қоидалари

1.2.-бандида, қоидалар жиноят ишлари бўйича одил судловни амалга оширишда, айниқса ҳуқуқбузарлар билан мурожаат қилишда жамоатчиликнинг фаолроқ иштирокини таъминлаш, шунингдек ҳуқуқбузарларда жамият олдида жавобгарлик ҳиссини ривожлантиришга кўмаклашиш мақсадига эгалиги, 13.4-бандида, ваколатли орган жамоатчиликни ва ижтимоий қўллаб-қувватлаш тизимини қамокда сақлаш билан боғлиқ бўлмаган чораларни қўллашга жалб қилиши мумкинлиги, шунингдек «Кўнгиллилар ва бошқа ижтимоий имкониятлар», деб номланган VII боби, 18.1-бандида давлат муассасаларни, хусусий секторни ва жамоатчиликни қамокда сақлаш билан боғлиқ бўлмаган чораларни қўллашга кўмаклашадиган кўнгилли ташкилотларни қўллаб-қувватлашни рағбатлантириш зарурлиги белгиланган.

Фикримизча, юқорида билдирилган фикрлардан келиб чиқиб, мажбурий жамоат ишлари тариқасидаги жазони ижро этувчи субъект сифатида нафақат давлат органлари ҳисобланган ички ишлар органининг пробация бўлинмалари, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият ва ташкилот, шунингдек кенг жамоатчилик ва хусусий секторларни ҳам белгилаш мақсадга мувофиқ.

Мажбурий жамоат ишлари тариқасида жазонинг халқаро ҳуқуқий жиҳатлари таҳлил этилганда, «мажбурий меҳнат» атамасининг юридик моҳиятини таҳлил этиш талаб этилади. Чунки, ЖК 451-моддасида мажбурий жамоат ишлари жазосининг моҳияти баён этилганда, мажбурий жамоат ишлари ишларини бажаришга мажбурий тарзда (рус тилидаги матнида принудительном) жалб қилишдан иборат эканлиги баён этилган.

Шунга ҳам эътибор қаратиш лозимки, халқаро ҳуқуқ нормаларида «зўрлаб ишлатиш ёки мажбурий меҳнат» атамаларидан фойдаланилган бўлса, миллий қонунчилигимизда,



хусусан Ўзбекистон Республикаси Конституциясида бу иккита термин ўрнига «мажбурий меҳнат» атамасидан фойдаланилганлигини кузатиш мумкин. Яъни, Ўзбекистон қонунчилигида ишлатилган «мажбурий меҳнат» атамаси халқаро ҳуқуқ нормаларида ишлатилган «зўрлаб ишлатиш» ва «мажбурий меҳнат» атамаларининг ўринларида бирдек қўлланилиб келинмоқда. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 1997 йил 30 августдаги 492-I-сонли «Зўрлаб ишлатиш ёки мажбурий меҳнат тўғрисидаги Конвенцияни ратификация қилиш ҳақида»ги Қарорида «Зўрлаб ишлатиш» ва «мажбурий меҳнат» терминларидан фойдаланилган бўлиб, бунда «принудительный труд» атамаси «зўрлаб ишлатиш» атамаси сифатида ишлатилган. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, Меҳнат кодекси ва бошқа қонун ҳужжатларида эса «принудительный труд» атамаси «мажбурий меҳнат» деб талқин қилинган. Зўрлаб ишлатиш ёки мажбурий меҳнат тўғрисидаги Конвенциянинг 33-моддасида унинг француз ва инглиз тилларидаги матни бир хил кучга эгаллиги белгиланган бўлиб, унда «мажбурий меҳнат» инглиз тилида «Compulsory Labour», француз тилида «travail obligatoire» атамалари билан ишлатилган, «зўрлаб ишлатиш» атамаси эса инглиз тилида «Forced Labour», француз тилида «travail forc» атамалари билан ишлатилган. «Зўрлаб ишлатиш» билан «мажбурий меҳнат» атамаларига чуқурроқ эътибор қаратилса улар турли хил маъноларни англатади. Хусусан, «мажбурий меҳнат» бу шахснинг ихтиёрига қарши меҳнат билан шуғулланишини англатса, «зўрлаб ишлатиш» атамасининг негизида «зўрлик» яъни, жисмоний куч ишлатиш ёки уни қўллаш билан таҳдид қилиш ётади.

Юқоридагиларга кўра «мажбурий жамоат ишлари» жазоси жиноят қонунчилигимизда «обязательные общественные работы» деб таржима қилинган бўлсада, бошқа қонун ҳужжатларида ишлатилган атамалардан келиб чиқиб бу жазо тури «принудительные общественные работы» деб таржима қилинишига сабаб бўлиши мумкин. Бу эса, мазкур жазо турининг моҳиятини жиддий ўзгартириб юборади.

Шу боис, Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларида «зўрлаб ишлатиш» ҳамда «мажбурий меҳнат» атамаларининг ҳуқуқий маъносини ёритиш, тўғри қўлланилишини таъминлаш, шунингдек уларнинг иккала шакли ҳам тақиқланишини назарда тутиш лозим.

Лекин халқаро ҳужжатларида мазкур терминларга алоҳида таъриф берилмаган бўлиб, улар ҳар доим биргаликда қўлланилганлиги, уларнинг маъносини ажратиб кўрсатишда қийинчиликлар туғдиради.

Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг 7-моддасига асосан, «Мажбурий меҳнат, яъни бирон-бир жазони қўллаш билан таҳдид қилиш орқали (шу жумладан меҳнат интизомини сақлаш воситаси тариқасида) иш бажаришга мажбурлаш тақиқланади». Мазкур норманинг халқаро ҳуқуқ нормалари билан мувофиқлиги таҳлил қилинганида, Халқаро Меҳнат ташкилотининг 29-Конвенциясида «зўрлаб ишлатиш ёки мажбурий меҳнат» атамасига берилган таърифдан фойдаланилганлиги, лекин

105-Конвенциядаги талаблар тўлиқ инобатга олинмаганлигини кузатиш мумкин.

Мазкур ёндошув бўйича МДХ давлатларининг меҳнат қонунчилиги таҳлили шунини кўрсатадики, Россия Федерацияси (4-модда), Молдова Республикаси (7-модда) Меҳнат кодексида ХМТнинг (29 ва 105) Конвенцияларида назарда тутилган қоидалар инобатга олинган, Озарбайжон (17-модда), Қозоғистон (7-модда), Қирғиз Республикалари (10-модда), Туркменистон давлати (8-модда) меҳнат кодексларида миллий қонунчилигимизда белгиланганидек ХМТнинг фақатгина 29-Конвенциясида назарда тутилган қоидаларнинг инобатга олинганлигини кузатиш мумкин.

Фикримизча, Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси 451-моддасида маҳкум мажбурий жамоат ишларини бажаришга мажбуран жалб этилиши эмас, балки ўз ихтиёрига зид равишда жалб этилишини назарда тутувчи қондани акс этиши мақсадга мувофиқ ва



мазкур модданинг 1-қисмини қуйидаги таҳрирда баён этиш таклиф этилади: «Ижтимоий фойдали ишлар маҳкумни ҳақ тўланмайдиган жамият учун фойдали жамоат ишларини бажаришга унинг ихтиёрига зид тарзда жалб қилишдан иборатдир. Маҳкум ишлаётган ёки ўқиётган бўлса, ижтимоий фойдали ишлар ишдан ёки ўқишдан бўш вақтда ўталади».

Юқоридагиларга кўра шахсни маълум ишларга жалб этишда намоён бўладиган мажбурий жамоат ишлари суд томонидан қўлланиладиган таъсир чораси сифатида халқаро ҳуқуқ нормаларига зид эмас ва меҳнат соҳасини тартибга солувчи халқаро стандартларга тўлиқ жавоб беради, деган хулосага келиш мумкин.

Юқоридаги умумий таҳлилларга асосан мажбурий жамоат ишлари жазосининг ўзига хос хусусиятларини қуйидагича ифодалаш мумкин:

1) мажбурий жамоат ишлари фақатгина жиноят ва жиноят-ижроия қонунчилигида жиноят содир этишда айбдор деб топилган шахсга нисбатан суд томонидан қўлланиладиган жазо чораси сифатида;

2) мажбурий жамоат ишлари жазо чораси шахснинг ҳуқуқ ва эркинликлари жамиятда етарли даражада бўлишини ҳамда ҳурмат қилинишини таъминлаш, ахлоқ, жамоат тартиби, умумэтироф этилган нормалар талабларидан келиб чиқиб қўлланилиши;

3) маҳкум мажбурий жамоат ишлари жазосини давлат органлари, яъни ички ишлар органи пробация бўлинмалари назорати остида амалга ошириши;

4) мажбурий жамоат ишларига жалб этилган шахс хусусий шахслар, компаниялар ёки жамиятлар ихтиёрига берилиши тақиқланиши;

5) мажбурий жамоат ишлари сиёсий таъсир ёки тарбия воситаси сифатида ёки белгиланган сиёсий, ижтимоий ёки иқтисодий тизимга зид сиёсий қарашлар ҳамда мафкуравий эътиқодларнинг мавжудлиги ёки ифодаланиши учун жазолаш чоралари сифатида ёхуд иқтисодий тараққиёт эҳтиёжлари учун ишчи кучини сафарбар этиш ва ундан фойдаланиш усули сифатида қаралмаслиги каби алоҳида хусусиятларга эга.

Ўзбекистон Республикасининг жиноят ва жиноят-ижроия қонунчилигида белгиланган, мажбурий жамоат ишлари жазосини янада такомиллаштириш юзасидан қуйидаги зарурий чора-тадбирлар амалга оширилиши лозим бўлади: биринчидан, мамлакатимиз қонунчилигида белгиланган «мажбурий жамоат ишлари» жазосининг номланишини «ижтимоий фойдали ишлар» деб ўзгартириш; иккинчидан, мажбурий жамоат ишлари жазо тури тайинланган шахсларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини кафолатлаш, бунда мазкур ҳуқуқларни амалга ошириш механизмларини аниқлаштириш ва жиноят-ижроия қонунчилигида белгилаш, маҳкумларнинг мажбуриятларидан жазони тўғридан-тўғри ижро этишга алоқадор бўлмаган бошқа чекловларни бекор қилиш; учинчидан, мажбурий жамоат ишлари тарикасидаги жазони жиноят ва жиноят-ижроия қонунчилигида ушбу жазога оид қоидаларни аниқлаштириш ва предметида кўра қайта кўриб чиқиш; тўртинчидан, мажбурий жамоат ишлари ва мажбурий меҳнат қоидалари ўртасидаги фаркни батафсилроқ ёритиб бериш зарурати мавжуд.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Конвенция относительно рабства от 25 сентября 1926 года // URL: <http://www1.umn.edu/humanrts/russian/instreet/Rf1sc.html> (дата обращения: 13.10.2022).

2. Конвенция 29. Конвенция о принудительном или обязательном труде // URL: https://www.ilo.org/wcmsp5/groups/public/---ed_norm/---normes/documents/normativeinstrument/wcms_c029_ru.htm (дата обращения: 12.10.2022).

3. Конвенция 105. Конвенция об упразднении принудительного труда // URL: https://www.ilo.org/wcmsp5/groups/public/---ed_norm/---normes/documents/normativeinstrument/wcms_c105_ru.htm (дата обращения: 12.10.2022).



-
4. Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси. Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг Резолюция 217 А (III) билан 1948 йил 10 декабрда қабул ва эълон қилинган // <https://constitution.uz/uz/pages/humanrights> (мурожаат вақти: 25.08.2022).
 5. Международного пакта «Об экономических, социальных и культурных правах» 1966 года // URL: http://www.un.org/ru/documents/decl_conv/conventions/pactecon.shtml (дата обращения: 15.11.2022).
 6. Конвенции Содружества Независимых Государств о правах и основных свободах человека (26 мая 1995 г., Минск) <http://cis.minsk.by/page.php?id=11326> (дата обращения: 10.10.2022).
 7. Осадчая Н.Г. Обязательные работы как новый вид наказания в российском уголовном законодательстве: Дис. ... канд. юрид. Наук. – Ростов на Дону, 1999. – С. 164.
 8. Лопотенко Ю.Ю. Актуальные проблемы исполнения наказания в виде обязательных работ / Общество: политика, экономика, право. 2018 // <https://doi.org/10.24158/per.2018.1.14>
 9. Коваленко А.П. Наказание в виде обязательных работ: уголовно-правовые и уголовноисполнительные аспекты. Автореферат диссертации. М. 2005. // – С. 9. (28)
 10. “Трудовой кодекс Российской Федерации” от 30.12.2001 N 197-ФЗ (ред. от 04.11.2022) // http://www.consultant.ru/document/cons_doc_LAW_34683/0e04407d9a52ecc831392fca4970dbf2b38beee2/.
 11. Трудовой кодекс Республики Молдова от 28 марта 2003 года № 154-XV (с изменениями и дополнениями по состоянию на 28.07.2022 г.) // https://continent-online.com/Document/?doc_id=30398053#pos=242;-46/
 12. Трудовой кодекс Азербайджанской Республики (утвержден Законом Азербайджанской Республики от 1 февраля 1999 года № 618-IQ) (с изменениями и дополнениями по состоянию на 01.07.2022 г.) // https://continent-online.com/Document/?doc_id=30420364#pos=600;-33
 13. Трудовой Кодекс Республики Казахстан (с изменениями и дополнениями по состоянию на 18.11.2022 г.) // https://online.zakon.kz/document/?doc_id=38910832&pos=11;-50#pos=11;-50
 14. Трудовой Кодекс Кыргызской Республики от 4 августа 2004 года № 106 (с изменениями и дополнениями по состоянию на 06.07.2022 г.) // <http://cbd.minjust.gov.kg/act/view/ru-ru/1505>
 15. Трудовой Кодекс Туркменистана от 18 апреля 2009 года № 30-IV (с изменениями и дополнениями по состоянию на 24.07.2022 г.) // https://continent-online.com/Document/?doc_id=31348675#pos=161;-40.



**КЕНГ ПОЛОСАЛИ ШОВҚИНСИМОН СИГНАЛЛАРНИ УЗАТИШГА
АСОСЛАНГАН РАДИОТЕХНИК ТИЗИМЛАРНИНГ ҲАЛАҚИТБАРДОШЛИГИ**

Халиков Абдулхак Абдулхаирович

т.ф.д., профессор, Тошкент давлат транспорт университети
xalikov_abdulkhak@mail.ru

Иброхимов Азизжон Азамжон ўғли

талаба, Тошкент давлат транспорт университети

Шакаров Шахобиддин Шахриёр ўғли

ўқитувчи, Тошкент темир йўл техникуми

Аннотация: Мақолада кенг полосали шовқинсимон сигналлар узатишга асосланган радиотехник тизимларнинг ҳалақитбардошлиги масалалари анализ қилинган бўлиб, автокорреляция ва ўзарокорреляция катталикларига жавоб берадиган сигналларни шакллантириш асослаб келтирилган.

Калит сўзлари кенг полосали; шовқинсимон сигналлар; автокорреляция; ўзарокорреляция; каналларни частота бўйича ажратиш, каналларни вақт бўйича ажратиш.

**СОВМЕСТИМОСТЬ РАДИОТЕХНИЧЕСКИХ СИСТЕМ, ОСНОВАННЫЕ НА
ПЕРЕДАЧЕ ШИРОКОПОЛОСНЫХ ШУМОПОДОБНЫХ СИГНАЛОВ**

Халиков Абдулхак Абдулхаирович

д.т.н., профессор, Ташкентский государственный транспортный университет
xalikov_abdulkhak@mail.ru

Иброхимов Азизжон Азамжон ўғли

студент, Ташкентский государственный транспортный университет

Шакаров Шахобиддин Шахриер ўғли

преподаватель, Ташкентский железнодорожный техникум

Аннотация: В статье анализируются вопросы целостности радиотехнических систем, основанных на передаче широкополосных шумовых сигналов, обосновывается формирование сигналов, реагирующих на величину автокорреляции и взаимной корреляции.

Ключевые слова: широкополосный доступ; шумовые сигналы; автокорреляция; взаимная корреляция; разделение каналов по частоте, разделение каналов по времени.

**COMPATIBILITY OF RADIO ENGINEERING SYSTEMS BASED ON THE
TRANSMISSION OF BROADBAND NOISE-LIKE SIGNALS**

Khalikov Abdulkhak

d.t.s., professor, Tashkent state transport university



Ibroximov Azizjon

student, Tashkent state transport university

Shakarov Shahobiddin

teacher, Tashkent railway college

Abstract: The article analyzes the issues of the integrity of radio engineering systems based on the transmission of broadband noise signals, justifies the formation of signals responding to the magnitude of autocorrelation and mutual correlation.

Key words: broadband access; noise signals; autocorrelation; cross-correlation; channel separation by frequency, channel separation by time.

Ҳозирги вақтда берилган автокорреляция ва ўзарокорреляция катталикларига жавоб берадиган сигналларни шакллантириш (синтезлаш) устидаги ишлар давом эттирилмоқда [1-4].

n -та тўғри бурчакли ± 1 иккилик импульслар кетма-кетлигини таҳлил этиш натижасида $\frac{B(0)}{E} = n$, $\frac{\max|B(\tau \neq 0)|}{E} = \frac{1}{n}$, $E = nE_1$, шартига жавоб берувчиларини алоҳида ажратиш мумкин (бунда, E -сигналнинг тўлиқ энергияси, E_1 -битта импульс энергияси).

Шундайлар жумласидан дастлаб Баркер кетма-кетлигини айтиб ўтиш мумкин (1.1-жадвал).


1.1-жадвал.

Импульслар сони	Импульс номери													АКФ нормаллашган модули максимуми	
	0	1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12	Асосий	Қўшимча
2	+1	-1												1	1/2
3	+1	+1	-1											1	1/3
4	+1	+1	-1	+1										1	1/4
5	+1	+1	+1	-1	+1									1	1/5
7	+1	+1	+1	-1	-1	+1	-1							1	1/7
11	+1	-1	+1	+1	-1	+1	+1	+1	-1	-1	-1			1	1/11
13	+1	+1	+1	+1	+1	-1	-1	+1	+1	-1	+1	-1	+1	1	1/13



Баркер дискрет импульслар кетма-кетлиги, автокорреляция функцияси идеалга яқин бўлиб, ён япроқчалари сони $\frac{1}{n}$ га тенг. 1.1,а-расмда $n=11$ импульсли Баркер кетма-кетлиги (коди) ва 1.1,б-расмда унинг автокорреляция функцияси келтирилган.

$s_i(t)$ сигнални қабуллаш (1-канал адреси) мослашган трансверсал филтр (1.2-расм) ёрдамида амалга оширилади. Дастлаб Баркер импульслари кетма-кетлиги бир импульс билан мослашган филтр МФ га киритилади, сўнггра ҳар $\Delta\tau$ вақт кечиктиришга мос келувчи чиқишлари бўлган кечиктириш линияси (КЛ) киришига берилади. Ундан кейин фазани тескарисига алмаштирувчи (-), фазани ўзгармас сақловчи (+) узатиш коэффиценти бир хил бўлган каскадларга берилади, сўнггра жамловчи (ЖҚ) ва ниҳоят қарор қабуллаш қурилмаси (ҚҚҚ) киришига берилади. Фазани алмаштирувчи ва ўзгармас сақловчи қурилмалар n та бўлиб, қабул қилиши керак бўлган икки қутбли импульслар кетма-кетлигига тескари бўлган тартибда чапдан ўнга қараб жойлаштирилган (1.1,а-расм).




1.1-расм. а) $n = 11$ импульсли Баркер кетма-кетлиги (коди), б) Баркер кетма-кетлигининг автокорреляция функцияси

Биринчи каскад КЗ киришга уланган, охиригиси унинг чиқишига уланган. Қабул қилишда n импульслар кетма-кетлиги КЛ орқали ўзгартириб рақамига мос равишда $k\Delta\tau$ га сурилади. Ҳамма импульслар кетма-кетлиги вазнлари КЛ ва жамловчи қурилма



орасидаги каскадлар белгисига мос бўлганда ҳамма импульслар бир онда бир-бирига қўшилади. Натижада ҚҚҚ чиқишида энг катта сатҳли импульс пайдо бўлади, мослашган филтър МФ 1-канал адресини эслаб қолади. Ҳамма бошқа n импульслар кетма-кетлиги таъсирида ҚҚҚ чиқишида сатҳи энг катта сатҳдан n марта кичик сатҳли импульс пайдо бўлади. Текширишлар шуни кўрсатадики Баркер кетма-кетлигидаги импульслар сони $n > 13$ бўлса, унинг автокорреляция функциялари ён япроқлари сатҳи энг максимал қийматининг $\frac{1}{n}$ дан катта бўлади, шунинг учун бундай ҳолларда ён япроқлар сатҳи катта бўлишига рози бўлишга тўғри келади [5-8].



1.2-расм. Баркер кетма-кетлиги учун мослаштирилган филтър


Баркер кетма-кетлигига нисбатан биров ёмон автокорреляция функциясига эга бўлишига қарамасдан адрес сигналлари сифатида чизиқли рекурент M – кетма-кетликлар (ЧРК) дан ҳам фойдаланилади. Уларни баъзан максимал давомийли суриш регистри чизиқли кетма-кетлиги деб ҳам аталади. Чизиқли рекурент M -кетма-кетликлар учун автокорреляция функцияси ён япроқчалари унинг максимал (энг катта) қийматига нисбатан $\sqrt{n}$ марта кичик бўлади (n – кетма-кетликдаги импульслар сони).

Чизиқли рекурент кетма-кет импульслар тасодикийлик хусусиятига эга. Агар даври $n = 2^M - 1$ импульсдан сўнг такрорланадиган чизиқли рекурент импульслар кетма-кетлигидан ҳар бирида μ та ташкил этувчи символлардан ташкил топган қисмларини ажратсак, биринчидан улар орасида бир-бирига ўхшаши бўлмайди, иккинчидан улар орасида $+1$ ва -1 лар комбинациясидан иборат бўлган μ та ташкил этувчилари бўлади (таъқиқланган ҳаммаси $+1$ дан иборат комбинациядан ташқари). Унинг бу хоссаси тасодикий иккилик сигналлар хоссасига ўхшаш бўлгани учун чизиқли рекурент импульслар кетма-кетлиги тасодикийсимон ёки говқинсимон кетма-кетлик деб аталади. Чизиқли рекурент импульслар кетма-кетлиги автокорреляцион функцияси спектри биров чекланган оқ шовқинсимон сигнал автокорреляция функциясига яқинлашади. Чизиқли рекурент импульслар кетма-кетлиги иккилик импульслар генераторида суриш регистрдан фойдаланиб шакллантирилади. Чизиқли рекурент импульслар кетма-кетлиги мослашган филтър ёки коррелятор ёрдамида қабулланиши мумкин. импульслар тасодикийсимон кетма-кетлигини юқори частотали алоқа каналлари орқали узатишда фаза ёки фазаси нисбий модуляцияланган сигналлардан фойдаланилади.



1.3-расм. а) Каналларни частота бўйича ажратиш, б) каналларни вақт бўйича ажратиш диаграммалари.

Адресли асинхрон алоқа тизимларида ШССлар орасида частота – вақт матрица ёрдамида шакланган сигналлар алоҳида ўрин тутади. Маълумки, ортогонал сигналлардан фойдаланиладиган алоқа тизимларида ҳар бир сигнал энергияси бир-биридан алоҳида ажралиб туради. Бу ҳолни частота-вақт бўйича алоқа тизимидаги частота бўйича (1.3,а-расм) ва вақт бўйича (1.3,б-расм) ажратиш диаграммаларини алоҳида-алоҳида кўрилганда янада ишонарли бўлади.





1.4-расм. Частота-вакт матрицаси ёрдамида кўп каналли кенг полосали сигнални олиш диаграммаси. а) иккилик импульслар кетма-кетлиги, б) битта иккилик информацион символни турли частотали радиоимпульслар орқали ифодалаш, в) сигнални частота-вакт матрицаси шаклида ифодалаш.

Бундай тизимда ҳар бир абонентга маълум бир частота ва вақтга мос келувчи фазо ажратилади, бу унинг адреси (манзили) ҳисобланади [9,10]. Частота-вақт $F \times T$ майдонни кичик элементар майдончаларга қуйидагича тақсимлаш мумкин. ҳар бир элементар сигнал T вақт давомида узатилади ва ушбу вақт орасида уни юқори частотали ташувчиси маълум кема-кетликда ўз частотасини умумий частоталар диапазонида ўзгартиради. Узатиладиган хабар ушбу турли частотали импульсларнинг бирон-бир параметрини модуляциялаш орқали амалга оширилади. Ушбу адрес импульслари тўплами частота-вақт диаграммаси асосида тузилади (1.4,в-расм). Уларни танлаганда ён япроқчалари сатҳи асосий автокорреляция функциясига нисбатан иложи борица кичик бўлишини ва ўзаро корреляция функцияси иложи борица кичик бўлишига адлохида эътибор бериш керак.

Шундай қилиб, ахборот ташувчи импульс ҳолатини вақт бўйича ўзгартириб ва уни тўлдирувчи частоталар кетма-кетлигини ўзгартириб, техник нуқтаи назардан осонгина амалга ошириб, бир неча минг частота-вақт адресларини олиш мумкинлиги кўринди. Албатта ҳамма частота-вақт адреслари юқори даражали автокорреляция функциясига ва энг кичик ўзаро корреляция функциясига эга бўлмайди. Аммо умумий адреслардан $N = FT$

таси учун автокорреляция функцияси ён япроғи сатҳи $\frac{1}{\sqrt{FT}} = \frac{1}{\sqrt{N}}$ бўлади. Частота-вақт

матрицаси асосида шакллантирилган сигналлар ҳам шакли бўйича ажратилувчи сигналлар гуруҳига киради ва эркин фойдаланиладиган 1000÷1500 абонентдан 50÷100 таси фаол абонент деб ҳисобланади.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Васин В.А., Калмыкова В.В. ва бошқалар. Радиосистемы передачи информации. М.: Горячая линия – Телеком, 2005.
2. Громаков Ю.А. Стандарты и системы подвижной радиосвязи. М.: Эко – Трендз, 1997.
3. Пеннин П.И. Филлитов Л.И. Радиотехнические системы передачи информации – М.: Радио и связи, 1999.
4. Коржик В.И. Финк Л.М. Расчет помехоустойчивости систем передачи дискретных сообщений /Под. Ред, Л.М. Финка – М.: Радио и связь, 1991.
5. Xalikov A.A., Aynakulov E.B., Isaev R.I. Kop kanalli aloqa. / Kasb-hunar kollejlari uchun o'quv qollanma. «Noshir» 232 b. Tochkent –2012.
6. Xalikov A.A., Kolesnikov I.K., Aynakulov E.B. Tolali-optik aloqa liniylari. / Kasb-hunar kollejlari uchun o'quv qollanma. «Noshir». Tochkent –2012. 168 b.
7. Xalikov A.A., Umarov F.F., Chimarina S. Aloqa tizimlarini texnik xizmati. / Kolledjlar uchun o'quv qo'llanma. Toshkent –2013. 220 b.
8. Xalikov A.A., Rixsiev D.X., Kolesnikov I.K. ZAMONAVIY RAQAMLI OPTIK ALOQA VOSITALARI. Oquv qollanma. /«Complex print» nashriyoti. Toshkent –2018. 424 b.
9. Халиков А.А., Абдужаппарова М.Б. Разработка метода оценки пропускной способности широкополосного доступа телекоммуникационной сети. / Монография «Инновацион ривожланиш нашриёт-матбаа уйи» ДУК. Тошкент –2020. 176 с.



РАҚАМЛИ РЕТРАНСЛЯТОРНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ВА ОПТИК СИГНАЛЛАРНИ РЕГЕНЕРАЦИЯЛАШ

Халиков Абдулхак Абдулхаирович

т.ф.д., профессор, Тошкент давлат транспорт университети
halikov_abdulkhak@mail.ru

Холбутаев Хамидулла Дилмурод ўғли

талаба, Тошкент давлат транспорт университети

Аннотация: Мақолада узатиш линиясидаги рухсат етилган йўқотишлар асосида регенерация қисмининг узунлигини ҳисоблаш, дисперсия чекловлари асосида регенерация бўлимининг узунлигини ҳисоблаш услуги келтирилган. Чизиқ йўқотишларига асосланган регенерация бўлими узунлигининг чекланиши дисперсия чекланишига қараганда қаттиқроқ бўлиб, регенерация қисмининг максимал узунлиги аниқланган.

Калит сўзлари рақамли ретранслятор; оптик сигналлар; узатиш линияси; регенерация; дисперсия.

ОРГАНИЗАЦИЯ ЦИФРОВОГО РЕТРАНСЛЯТОРА И РЕГЕНЕРАЦИЯ ОПТИЧЕСКОГО СИГНАЛА

Халиков Абдулхак Абдулхаирович

д.т.н., профессор, Ташкентский государственный транспортный университет
halikov_abdulkhak@mail.ru

Холбутаев Хамидулла Дилмурод угли

студент, Ташкентский государственный транспортный университет

Аннотация: В статье предлагается метод расчета длины участка регенерации на основе допустимых потерь в линии волоконно-оптической передачи, расчета длины участка регенерации на основе ограничений рассеивания. Ограничение длины участка регенерации, основанное на потерях в линии, является более жестким, чем ограничение рассеивания, и была определена максимальная длина участка регенерации.

Ключевые слова: цифровой ретранслятор; оптические сигналы; линия передачи; регенерация; рассеивание.

DIGITAL REPEATER ORGANIZATION AND OPTICAL SIGNAL REGENERATION

Khalikov Abdulkhak

d.t.s., professor, Tashkent state transport university

Xolbutaev Xamidulla

student, Tashkent state transport university

Abstract: The article proposes a method for calculating the length of the regeneration section based on the allowable losses in the fiber-optic transmission line,



calculating the length of the regeneration section based on scattering constraints. The limitation of the length of the regeneration section based on line losses is more stringent than the dispersion restriction, and the maximum length of the regeneration section has been determined.

Key words: digital repeater; optical signals; transmission line; regeneration; scattering.

Талаб этиладиган сигнал-шовкин нисбатини, яъни шовкиндан химояланганликни таъминлаш мақсадида рақамли тола-оптик алоқа-ТОА линияларида ретрансляторлар жойлаштирилади[1-3]. Ретрансляторлар икки турга бўлинади:


1- Регенераторлар; 2- Оптик кучайтиргичлар.

Дисперсия таъсири унча катта бўлмаган, “0” ни “1” дан фарқласа бўладиган ҳолатлардагина оптик кучайтиргичларидан фойдаланилади. Кучайтиргичлар сигнал шаклини тикламайди, фақат сўнган сигналларни кучайтиради ва қабул қилинган сигналга қўшимча шовкинлар беради. Шунинг учун уларни сони берилган шовкиндан химояланганлик (хатолик коэффиценти) ва дисперсиянинг рухсат этилган қийматларини ҳисобга олган ҳолда чегараланади.

Рақамли регенераторларда сигналлар нафақат кучайтирилади, балки тўғриланади ҳам. Сигналларни кучайтириш, бошланғич шаклини тиклаш, тўғрилаш, шовкинларни бартараф этиш регенерациялаш дейилади. Регенерациялаш регенераторларда амалга оширилади. Регенераторни узатувчи ва қабул қилувчи оптик модуллар ва регенерациялаш блоки йиғиндиси сифатида қўриш мумкин [4,5].

Спектр (тўлқин) бўйича зичлаштириш усулида оптик кучайтиргичларнинг вазифаси кескин ортади. Чунки оптик кучайтиргичлар турли оптик ташувчилик бир неча оптик сигналларни бир вақтда кучайтиради. Хаттоки бу ҳолларда ҳам, дисперсия туфайли сигналларни бузилишига ва шовкинларга қўйиладиган талаблар бажарилмайдиган оралик станцияларда ва охириги станцияларда регенераторларни ўрнатиш шарт.

Оптик кучайтиргичлар кам элементлардан таркиб топгани учун унинг тузилиши оддий. Лекин нархи анча қиммат. Эҳтиёжни ошиши билан нархи арзонлашиши мумкин.



1.1-расм. Рақамли ретрансляторнинг умумлашган тузилиш схемаси

Оптик кучайтиргичларнинг ишончилиги регенераторларга қараганда юқори. Бу унинг энг муҳим афзаллиги бўлиб, сув остида оптик кабелларни ётказганда ретрансляторларни ташкил этишда эътиборга олинади. Оптик кучайтиргичларни иши сигналларни узатиш тезлигига боғлиқ эмас, регенераторларда эса аксинча.

Регенераторлар битта сигнал билан ишлайди. Оптик кучайтиргичлар эса кучайтириш зонасининг берилган оралиқ чегарасида турли тўлқин узунликли (WDM сигнал) бир неча оптик сигналларни бир вақтда кучайтиради.

Ретранслятор – регенераторнинг умумий тузилиш схемаси 1.1.-расмда келтирилган.

Схемада:

ОК – оптик кабел (станция ёки линия кабелли);

ОЭЎ – оптоэлектрон ўзгартиргич, оптик сигнални электр сигналига ўзгартиради. ОЭЎ сифатида p-i-n фотодиод ёки лавин фотодиод ишлатилади;

ДК – дастлабки кучайтиргич;

АК – амплитуда корректори, оптик кабелда биринчи навбатда дисперсия туфайли ҳосил бўладиган бузилишларни қисман бартараф этади;

ҚҚФ – қабул қилувчи фильтр, фойдали частота оралиғидан ташқаридаги шовқин ва бузилишларни бартараф этиш мақсадида сигнал спектрига боғлиқ равишда частота оралиғини чегаралайди;


САБ – сатҳни автоматик бошқарувчи қурилма, элементларнинг эскириши, харорат натижасида кабел ва ОЭЎ хусусиятларини ўзгаришидан қурилма киришидаги сигналлар ўзгарганда регенератор киришидаги кириш сигналлари сатҳини доимийлигини таъминлайди;

БҚ – бошқарувчи қурилма, САБ қурилмасидан берилаётган сигналлар таъсирида ОЭЎ узатиш параметрлари ўзгаришини таъминлайди;


Рег – регенератор, электр импульслари шаклини тиклайди;

